КЎКЛАМ КЕЛДИ, ЕНГ ШИМАР, ДЕҲҚОН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 42 (6160).

1 МАРТ

ЧОРШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

АССАЛОМ, БАҲОР

Қишнинг заҳри кетиб, чекинди. Ўлкамизга кўклам келди.

Ҳар фаслнинг ўз фазилати, ўз хосияти бор. Лекин фасллар келинчаги кўкламнинг зийнати, хислати, шукуҳи, завқ-шавқи ўзгача. Бу фаслни бутун мавжудот интиқлик билан кутади. Бу фаслда бутун табиат жонланади.

Тасаввур қилинг-а: майса гиламлари тўшалган қирадрлар, куртаклари бўртиб, эндигина барг ёзай деб турган мевазор боғлар, далалар. Илиқ шабада эсиб турипти. Дунёга янги келгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Билакларингизда куч-ғайрат жўш ураётгандек, тоғни урса талқон қилгудек куч сезасиз. Кенг ва бепоён, хазинага бой, олтинга кон далалар гўё: кел, бағримга, меҳнат қил, барака уруғини соч, куч-ғайратингни аяма, сен мени қанчалик ардоқласанг, эъзозласанг, қадримга етсанг, мен ҳам сенга шунчалик мурувват кўрсатаман, боримни аямайман, деб чорлаётгандек.

Чиндан ҳам шундай. Кунлар илиб қолди. Деҳқонларимиз, бойлик яратаётган азаматларнинг долзарб кунлари, қўли-қўлига тегмайдиган дамлар бошланди. Беш йилликнинг зарбдор йили учун белгиланган тадбирлар, зиммага олинган мажбуриятлар ғоят катта ва масъулиятли.

Яқиндагина бўлиб ўтган область шунингдек республикамиз қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойида КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида олдимизга қўйилган улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш йўллари аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Областимиз пахтакорлари, сабзавоткорлари, чорвадорлари ва бошқа касб эгалари ўтган юбилей йилидаги ишларга якун ясаб, йўл қўйилган камчиликлар, бой берилган имкониятларнинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича таҳлил этар эканлар, бу йил қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун кўклам дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бердилар. Бунинг учун эса ҳамма ерда ишни илғор хўжаликларнинг тажрибаси асосида ташкил этиш зарур.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Бекобод районидаги Ленин номли хўжаликларда бўлсангиз, бу ердаги тартиб, саранжом-саришталикни кўриб ҳавасингиз келади. Мазкур хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникаси аллақачоноқ ремонтдан чиқариб сафга қўйилган. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш сингари ишлар ҳам белгиланган муддатларда бажарилган.

— Кўклам меҳнат билан кўркам, — дейди Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, область пахтакорлар Советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматов, — Бунинг маъноси шуки, айни шу кунларда экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайдиган тадбирлар комплекси тўла-тўкис ва пухта бажарилиши керак. Баҳорда бир кун, бир соат бой берилса, кейинчалик қанчалик ҳаракат қилинмасин, унинг ўрнини қоплаш қийин бўлади. Ер текислаш — эрта баҳорда амалга ошириладиган ғоят фойдали ва қимматли тадбир. Шунинг учун ҳам бу масалага ҳамма ерда алоҳида эътибор бериш керак.

Агар ер экиш олдидан кафтдек қилиб текисланса, тракторчи экиш вақтида қийналмайди, ғўзани культивация қилиш ҳам осон кўчади ва сифатли ўтказилади. Экинни суғориш пайтида сувчининг иши енгиллашади. Авжи саратон кезларида халқоб бўлиб қолган ерлар учраб қолади. Бу баҳорда далаларни айланганингизда, суғориш пайтида ер текислашга эътибор бермасликнинг оқибати. Бу — кўкламдаги пала-партишликнинг натижаси.

Ҳосил уруғдан бошланади. Шунинг учун ҳам пахтакорларимиз кондициядаги уруғликларни ўз вақтида келтириб саралаб қўйишга биринчи даражали эътибор беришлари керак. Уруғлик танлаш ва саралашда ўтган йилларнинг тажрибасини ҳисобга олиш, ер ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб, экиш схемаларини танлаш ва шунга мос техникаларни шай қилиб қўйиш керак.

Ҳозир ерга-ер қўшиш, тўлиқ гектар ҳосил қилиш учун айни қулай дамлар. Ортиқча йўллар, ўқариқларни ҳайдаб, экин майдонларига қўшиш керак. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг ҳам ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш лозим.

Экишнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан механизатор кадрлар, экипаж аъзоларининг маҳорати, тайёргарлиги, тажрибасига боғлиқ. Ана шу соҳадаги ишларни эрта баҳор кунларида ниҳоясига етказиш лозим. Бунинг учун трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг тайёргарлигини яна бир бор синчиклаб кўздан кечириш, экипаж аъзолари билан амалий машғулотлар ўтказиш талаб қилинади. Шунга эришиш керакки, кунлар исиб, тупроқ ҳарорати белгиланган даражада бўлиши биланоқ чигит экишни уюшқоқлик билан бошлаб юбориш мумкин бўлсин. Экиш билан бирйўла ерга солиб кетиладиган гербицидларни ҳам етарли миқдорда жамғариб қўйиш лозим.

Сабзавоткорлар, боғбонлар, соҳибкорлар ҳаётида ҳам долзарб кунлар бошланди. Аҳолига эртаки сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун эртаки экин экишни ҳамма ерда кучайтириб юбориш, теплицаларда соғлом кўчат етказиш тадбирларини амалга ошириш керак.

Бу йил областимиз пахтакорлари давлатга кам деганда 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш мажбуриятларини олдилар. Бу мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишида резервлардан фойдаланиш, қолоқ хўжаликлар, бригадаларни кўтариш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилганда эришилган натижаларни таққослаш, резервлардан фойдаланиш доимий диққат-эътиборда бўлиши лозим.

Деҳқон баҳори бошланди. Бу баҳор янги ютуқлар, орзулар, янги-янги ташаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатларининг элчиси бўлиб кириб келди. Ҳамма ерда кўклам дала ишларини авж олдириб юборайлик.

КАРАМ ЭКИЛМОҚДА

Калинин районининг меҳнаткашлари ўтган йилга нисбатан янада кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Айниқса, улар эртанги сабзавот маҳсулотларини кўпроқ етиштириб бериш учун ҳар бир кундан унумли фойдаланмоқдалар. Теплицаларда, парник хўжаликларида кўчатларни расад қилиш қизғин тус олди. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда барча транспорт воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Кўпгина хўжаликларда эртаки экин экиладиган майдонларнинг ариғи олиниб экишга тахт қилиб қўйилган эди. Ҳозир бу ерларга кўчатлар экилмоқда.

Райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг деҳқонлари ўтган йилдагига нисбатан помидор, карам ҳосилини камида 1,5 марта кўпайтириш юзасидан конкрет мажбурият олган ҳолда ишламоқдалар. Улар расад қилинган карам кўчатларини далага чиқариб экиш ишларини қизғин бошлаб юбордилар. Кунига 5 гектар ерга кўчат ўтказилмоқда. Суратда: (юқорида) тажрибали сабзавоткор Тожибой Ашуров кўчатларни сараламоқда; (пастда) карам экиш пайти.

Б. Сафаров фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети шуни таъкидлайдики, областнинг саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва хулосаларни ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, Совет Иттифоқи меҳнаткашларига мактубини чуқур қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар.

Тошкент ёғ-мой комбинатининг коллективи юбилей йили социалистик мажбуриятларини ошириб адо этди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,8 процентга ўсди, пландагига қўшимча 300 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бирканча миқдорда электр энергияси, ёнилғи, хомашё ва бошқа материаллар тежалди.

Тошкент область партия комитети Тошкент ёғ-мой комбинати коллективининг 1978 йил планини муддатидан илгари бажариш бўйича олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, хўжалик раҳбарларига бригадалар, участкалар, сменалар, цехлар коллективларининг, ҳар бир кишининг СССР Конституциясининг бир йиллигигача зиммасига олган мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган шароитни таъминлаш таклиф этилди.

Шаҳар ва район партия комитетларига, корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларига илғор корхоналарнинг давлат планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари моҳиятини ва маъносини кенг муҳокама қилиш ҳамда тушунтириш таклиф этилди.

Озиқ-овқат саноати ходимлари область касаба союз комитетига социалистик мусобақани ташкил этишда ишлаб чиқариш тажрибаларини кенг ёйишга алоҳида эътибор бериш, социалистик мажбуриятлар бажарилишининг мунтазам текшириш ва якун ясаш, мусобақанинг ошкоралиги ва натижаларини солиштиришни таъминлаш уқтирилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область радиоэшиттириши ва телевиденниесига илғор коллективлар, ишлаб чиқариш пешқадамларининг илғор тажрибасини пропаганда қилиш топширилди.

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ СССР КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент ёғ-мой комбинати коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини муҳокама этиб, 1978 йил учун мажбуриятлар қабул қилди.

Йиллик планни 18 декабрда бажаришга қарор қилинди.

Пландагидан ташқари 2500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Саноат ишлаб чиқариши ўсиши 1977 йилга нисбатан 7 процентга оширилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан бир ярим процент оширилади.

Ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига товар маҳсулоти таннархи 100 тоннага камаяди ва пландагидан ташқари 100 минг сўмлик фойда олинади.

Икки хил маҳсулотга — қалампирли майонез ва қадоқланган салат ёғига давлат Сифат белгиси олинади.

Автоклав, маргарин ва рафинация цехлари коллективлари СССР Конституциясининг бир йиллигигача ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик планини бажарадилар.

Корхонанинг ўн стандарти ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий активлигини ошириш асосида 1978 йилда 45 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади, улардан 25 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилади.

Ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 97 процентини техника назорати бўлимига биринчи тақдимда топшириш таъминланади.

715 ишчи ва хизматчи тайёрланади ва малакаси оширилади.

Комбинат ходимларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш учун биринчи ярим йилликда 40 квартирали уйни ва 280 ўринли болалар боғчасини ишга туширишда қурувчиларга ёрдам кўрсатилади.

Пахта ёғидан салат ёғи тайёрланадиган демарганизация цехи реконструкция қилинади — 1 квартал.

Чигит хўжалиги лабораторияси қурилади — II квартал.

Автоклав цехи ишини ёғни узлуксиз гидрогенезация қиладиган методга ўтказилади.

Чигит сақланадиган механизациялашган омборхона қурилиши бошланади.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, МУАММОЛАР

Аслида Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозига директорнинг янги комплекснинг афзаллиги ҳақидаги мақоласини уюштириш ниятида борган эдик. Бироқ, фактлар билан танишгач, бошқача йўл тутишга тўғри келди.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни саноат асосида ривожлантиришга, янги чорвачилик комплекслари барпо этишга катта аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда колхоз ва совхозларда сут ва гўшт етиштиришга мосланган йирик комплекслар қурилиб ишга туширилмоқда. Чорва молларини мўл-кўл озуқа билан таъминлаш учун етарли миқдорда ерлар ажратиб берилмоқда. Белгиланган режа ва лойиҳалар асосида қурилган янги комплекслар тўла қувват билан ишлаган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда.

«Янгиобод» совхозида ҳам худди шундай яхши ният билан бундан тўрт-беш йил илгари чорвачилик комплекси қурила бошлаган эди.

Ниҳоят совхоз чорвадорлари зориқиб кутган комплексни 23-қурилиш тресті ўтган йили 25 сентябрда фойдаланишга топширди. Бу катта комплекс 2500 бош сигирга мўлжалланган. Совхоз чорвадорлари хурсанд, енг шимариб янгича ишлашга шайлана бошладилар. Шошилинч равишда юқори ташкилотлар томонидан планлар берилди. Шу планга кўра дастлабки 1978 йилда комплексда 1200 бош мол боқилиши, шундан 485 боши сигир бўлиши, бир йилда 1677 тонна сут етиштирилиши белгиланди. Бунинг учун кунига 4,7 тонна сут соғиб олиниши лозим. Ҳатто ҳар сигирдан бир йилда 3500 литр, бир кунда 8,2 литрдан сут соғиб олинишигача аниқлаб қўйилди. Режалар, планлар тайёр. Улар қатъий, ундан чекиниб бўлмайди. Комплекс коллективидан шу даражада ишлаш талаб этилади ва уларга бу вазифани қандай бажаришларига қараб баҳо берилади.

Ниятлар яхши. Умидлар катта. Бироқ, комплексдаги ҳозирги ҳақиқий аҳвол қандай? Олиб борилаётган иш қўйилган талаблар, тузилган планлар даражасидами? Афсуски, комплексдаги аҳвол билан танишгач бу саволларга ижобий жавоб топа олмадик.

Аввало шуни айтиш керакки, 23-қурилиш тресті бу комплексни бекаму-кўст қуриб топширмаган. Уни фойдаланишга топшириш вақтида 13 та жиддий камчилик борлиги кўрсатилган. Комплексда иш бошлангандан кейин эса бундай камчиликлар 13 та эмас, 26 та эканлиги аниқланди. Масалан, сут блокининг трубалари иситишга мосланмаганлигидан сут трубаларда музлаб қоляпти. Озуқа цехида пичан майдаланса ҳам, уни парлатиб бўлмаяпти. Молхоналардаги ахлатни олиб чиқиб кетадиган конвейер ишламаганидан чиқинди қўл билан тозаланяпти. Молларни яйратадиган майдон шийпони тўла ёпилмаган, ерлари чўкиб, сув тўпланиб қоляпти. Молхоналарнинг эшиги фанерадан ишлангани учун ҳалитдан ишдан чиқа бошлаган. Бу каби камчиликлар қатор-қатор. Ким айбдор?

Хулоса чиқаришдан олдин яна фактларга мурожаат қилайлик. Ҳозир комплексда планга мувофиқ 1200 ўрнига минг бош мол, 485 бош ўрнига 150 бош сигир боқилмоқда, холос. Чунки «Облживплем» бирлашмаси (бошлиғи А. С. Сабизов) комплексни ҳанузгача планга мувофиқ наслли моллар билан тўла таъминламаган. Совхозда эса мавжуд сигирлардан планга мувофиқ кунига 4,7 тонна ўрнига 800—850 литрдан сут соғиляпти. Ҳар сигирдан кунига 8,2 ўрнига олти литрдан сут соғиб олиняпти. Ўтган йили бу совхоз чорвачиликдан 104 минг сўм зарар кўрган.

— Бултур ҳам комплекс битмай, сигирлар сони тўлдирилмай туриб план берилганидан шундай аҳвол юз берди. Бу йил ҳам айнан шу аҳвол такрорланяпти. Бултур совхозимизда 150 бош ўрнига 104 бош сигир бор эди. Мана шундай аҳволлар натижасида биз ҳам маънавий азоб чекаяпмиз, ҳам моддий зарар кўраяпмиз, — дейди совхоз директори Абдулаҳад Абдумаликов.

— Йўқ сигирлардан албатта сут олиб бўлмайди. Аммо мавжуд зотли сигирлардан нега ҳозир кам сут соғиб олиняпти, — сўрадик.

Қурувчилар, лойиҳачилар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳақида куйиб-пишиб гапириб турган директор бирдан жим бўлиб қолди. У чеккасини силаб нима дейишини билмас эди. Чунки ўтган бир ой мобайнида ҳар сигирдан соғилган сут 160 литрдан ошмаган. Агар аҳвол шу зайлда кетаверса бир сигирдан соғиб олинадиган сут йил охиригача 2 минг литрдан ошмайди. Планда белгиланганидан 1500 литр кам сут соғилади. Бунга комплексдаги озуқа цехи, сут блоки ва бошқа воситалар нормал ишламагани ҳам маълум даражада салбий таъсир қилган бўлиши мумкин. Аммо зотли моллардан бунчалик кам сут соғилишига бу албатта баҳона бўла олмайди.

23-қурилиш трестининг бош инженери Шавкат Маҳкамович Асилов билан ҳам суҳбатлашдик. Ўртоқ Асилов совхоз директори томонидан қишлоқ хўжалик министрлигига комплексдаги камчиликлар ҳақида ёзилган хатни моддама-модда ўқиб чиқди.

— Жуда тўғри ёзибди. Бунда кўрсатилган камчиликларнинг 90 проценти тўғри. Лекин бу камчиликлар бизнинг эмас, лойиҳачиларнинг айби билан бўлган. Лоақал комплексдаги эшикларни олинг. Фанердан қилинган. Сигирлар шохи билан бир туртса, синиб кетади. Сут блоки иситилмайди, ёмон ишлайди. Буларнинг ҳаммаси лойиҳада кўрсатилганича қилинган. Энди комплексни реконструкция қилмаса бўлмайди,— деди у бамайлихотир.

— Камчиликларни нега ўз вақтида айтмадингиз?

— Лойиҳа янгилигида унинг қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмайди.

Шу ҳам жавоб бўлдими? Қурувчиларнинг хатти-ҳаракати мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутишнинг ўзгинаси-ку?!

Комплексни фойдаланишга топширишганига олти ой бўлиб қолди. Шундан бери қабул вақтида кўрсатилган камчиликлардан эндигина бештасигина тузатилган. Қолган камчиликлар хўжаликнинг оёғига ҳали ҳам тушов бўлиб турипти.

«Янгиобод» чорвадорлари энди оғзимиз ошга етди деганда улар олдида яна бир талай муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Комплекс қишлоқдан анча узоққа жойлашганига қарамай чорвадорларнинг истиқомат қилишлари учун турар-жой бинолари йўқ. Бу эса ўз навбатида талай қийинчиликларни туғдирмоқда.

Совхозда 1750 гектар ҳайдаладиган ер бор. Шундан 1656 гектари суғориладиган ерлардан иборат. Бу ерлардан комплексдаги молларга етарли миқдорда емхашак, ширали озуқа олиш мумкин.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

МУРАББИЙ БУРЧИ

ТЕПЛИЦА комбинатига ишга келганимга ўн йилдан ошиб қолди. Аввал оддий ишчи эдим. Кейин звено бошлиғи қилиб тайинлашди. Сабзавот етиштиришнинг ўзига хос мушкул томонлари борлигини қадамба-қадам сезиб келдим. Устозлар берган ўгитларига амал қилиб, ўз касбимнинг устаси бўлиб олдим.

Комбинатимизда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Табиийки, уларнинг характерлари, қизиқишлари ҳам ҳар хил. Янги ишга келган ишчини доимо тажрибали сабзавоткорга бириктириб қўйишади. Ўзимни ҳам шундай қилишган эди. Энди менинг ўзим ёшларга мураббийлик қилаяпман. Марям Ҳайдарова, Ҳалима Қорабоева, Мўътабар Саидрасулова каби шогирдларим ҳозирги кунда звено бошлиғи бўлиб ишлашади. Уларни фақат участкада эмас, комбинатда ҳам илғорлар сифатида тилга олишади. Зуҳра Турсунова, Саломат Мавлонова ва Шоира Шерматова яқинда «Уста сабзавоткор» деган шарафли номни олишди.

Мураббийлар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишади. Шогирдларнинг келажакда уста сабзавоткор бўлиб етишишларида устознинг роли каттадир. У ҳар бир ёшда меҳнатга кўникма ҳосил қилиши, аҳлоқ-одоб нормаларини унинг онгига сингдириши керак. Ўз бурчига масъулият билан қараётган устозлар бизда оз эмас. Ленин ордени кавалери Мунира Исломова, Лутфи Ниёзметова кабилар ўнлаб шогирдларнинг устозидир.

Коллективимиз ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол адо этаётганлиги учун ҳам меҳнаткашлар дастурхони сабзавотларга доимо тўкин бўлмоқда. Ўтган йили биргина бизнинг участкамиз пландаги 320 ўрнига 450 тонна сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олди. Ҳар бир квадрат метрдан 12 ўрнига 18 килограммдан ҳосил топширилди. Бу йил ойнаванд гектарлар самарадорлигини янада оширишга бел боғлаганмиз. Бугунги меҳнатимиз зиммадаги улкан вазифаларга яраша бўляпти.

М. ТЎХТАНАЗАРОВА,
Қўйлиқ теплица комбинатининг участка бошлиғи.

«САЛЮТ-6»: ЕР АТРОФИНИ 2400 МАРТА АЙЛАНИБ ЧИҚДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 28 февраль. (ТАСС). «Салют-6» орбитал станцияси Москва вақти билан соат 10 га қадар ер атрофини 2400 марта, шу жумладан бортида экипажи билан бирга 1246 марта айланиб чиқди.

Бугун Юрий Романенко билан Георгий Гречко актив дам оладиган кун. Космонавтлар эрталабки процедура ва нонуштадан кейин станция ва кеманинг борт системаларини контроль қилдилар, техникавий ҳужжатлар устида ишладилар. Экипажнинг кун тартибида комплекс тренажор ва велоэргометрда жисмоний машқлар ўтказиш, иш хоналарини саришта қилиш ва чиқиндиларни чиқариб ташлаш ҳам кўзда тутилган.

Радиоалоқа сеанслари вақтида космонавтлар оилалари билан сўзлашадилар, орбитал комплекс бортига ердан радиоэшиттиришлар, музика трансляция қилинади.

Экипажнинг докладларига ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Салют-6»—«Союз-27» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишламоқда. Комплекс хоналаридаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: ҳарорат 22 градус Цельсий, босим симоб устунининг 790 миллиметрига тенг.

Романенко ва Гречко ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари Иван Капитонович Костиковни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТЕАТР 60 ЁШДА

27 февраль куни Самарқанд жамоатчилиги республиканинг кекса ижодий коллективи — Ҳамид Олимжон номли ўзбек драма театрининг 60 йиллигини нишонлади. Шу воқеага бағишланган тантанали йиғилишни Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов очди. Театрнинг директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Қурбонов унинг шонли йўли тўғрисида гапириб берди.

Бу театр коллективи биринчи кундан бошлаб социалистик санъатнинг бунёдга келиши ва унинг тараққиёти учун ҳақиқий курашчи, кўп миллатли совет драматургияси, рус ва чет эл классикасининг энг яхши асарлари пропагандисти бўлиб келди. Театр труппаси ўзининг ижодий фаолият йилларида республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашларига юзлаб спектакллар кўрсатди.

Ўзбекистон театр жамоатчилигининг намояндалари, қардош республикаларнинг вакиллари, Польша Халқ Республикасидан келган меҳмонлар театр шаънига самимий сўзлар айтдилар.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов иштирок этдилар.

* * *

Театрнинг ижодий коллективи юбилей куни томошабинларга ўзининг янги асарини — талантли ўзбек драматурги М. Каримовнинг «Инсонликка номзод» пьесаси асосидаги спектаклни кўрсатди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўпламини бешинчи нашрининг 35-томини ўзбек тилида чиқарди.

Бу томни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали босмага тайёрлади ва у Тошкент полиграфия комбинатида босиб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

НАВҚИРОН ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Раҳима газетада металлургия заводи қўшимча қувватлар қурилиши комсомол зарбдор участкаси деб эълон қилинганлигини ўқидию, беихтиёр ўйлаб қолди. Янги қурилиш уларнинг уйига яқин эди. Балки шунинг учунми, қалбига яқин олди.

Кейин дилидагини отасига айтди. Отаси қизининг ўқишни давом эттиришини истарди. Катта қизлари Робия Тошкент Давлат университети математика факультетининг учинчи курсида ўқийди. Раҳима ҳам опасининг изидан борсин дерди. Қурилишда ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Шунинг учунми ота аввалига бир нима дея олмади. Сўнг кўнди. Майли, ишласин, ҳаётнинг нималигини билсин, деди. Ўзи ҳам олдин шунчаки. Шу заводда ишлаб обрў эътибор топди.

Раҳима шундан кейин дугоналари Чинниҳол Рўзиева ва Мўътабар Жўраеваларга ёрилди.

— Шу ҳафтада синф комсомолларининг йиғилишини ўтказсак, — деди Раҳима қизларга, — ҳаммани электр билан пўлат эритиш комплекси қурилишига чорлайлик. Синфдошларимизнинг бизни қўллаб-қувватлашларига ишонаман.

Комсомол йиғилиши қизғин ўтди. Бутун синф ўқув йили тугаши билан Бекобод магниткази қурувчилари сафига қўшилишадиган бўлди. Синфдошларининг ташаббусга муносабати уни яна ҳам илҳомлантириб юборди. Мактаб комсомол йиғилишида битирувчи синф ўқувчиларига қарата мурожаат қабул қилишди. Бу мурожаат тезда Бекобод шаҳри бўйлаб тарқалди.

Улуғбек номли 16-мактабнинг 10 «Б» синф ўқувчилари биринчи меҳнат кунини тоқатсизланиб кутишарди. Ниҳоят охирги имтиҳон топширилди. Ўттиз бир ўқувчининг ҳаммаси азим дарёга қўшилган ирмоқдек бунёдкорлар сафини тўлдирди. Меҳнатга, ҳунарга ташна йигит-қизлар бирин-кетин разряд эгаси бўла бошладилар. Раҳима бўёқчилик сирларини ўрганишга тутинди. Олдинига бироз қийналди.

Бир куни бўёқ пурковчи аппаратни кўнгилдагидек созлай олмай хуноб бўларди.

— Мана, бу ерини озгина бураш керак. — деди унинг ишини кузатиб турган Тамара Ўрмахонова. Раҳима тажрибали қурувчи айтгандек қилди. Аппарат текис ишлаб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

— Уялма, билмаганингни сўрайвер. Мен ҳам дастлаб иш бошлаганимда тоза қийналгандим. — юпатди устоз шогирдини.

Тамара Ўрмахонова тўртинчи разрядли уста бўёқчи. Демак, у ҳам менга ўхшаб иш бошлаган, кейинчалик ўз касбининг пири бўлиб кетган экан-да, деб қўйди ўзича Раҳима. Шундан кейин ўзида яна ҳам дадиллик сеза бошлади. Бригада бошлиғи Зина Цапочкина, тўртинчи разрядли Валя Гриневич ҳам Раҳимага мададга беришди. Тамара Ўрмахонова шахсан мураббийлик қилди.

Мана энди Раҳима Абдуҳолиқованинг «Узбекметаллургстрой» трестининг 3-қурилиш бошқармасида пешқадамлар қатори тилга олишади. У бошқарма бошланғич комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари, жамоат ишларида актив қатнашади. Собиқ синфдошлари ишлаётган бригадаларда бўлиб, уларнинг иш фаолиятлари билан яқиндан танишади. Коллектив айниқса, дурадгорлик касбини эгаллаган Абдуҳаким Қамбаралиев, Тоҳир Бойматов, Шарофиддин Тожибоев, Муҳибилло Ориповларнинг хизматларидан миннатдор.

Айтмоқчи, 31 ўқувчининг 15 нафари ҳозир «Узбекметаллургстрой» трести бунёдкорлари сафида қолишган. Бошқалари металлурглик касбини эгаллашга қарор қилдилар. Яқинда Самад Норбўтаев билан Раҳмонали Валиев қизлар ишлаётган бригадага меҳмон бўлиб келишди. Йигитларнинг айтишича, ҳозироқ пўлат қуйишга тайёр эмишлар.

Яқинда 3-қурилиш бошқармаси комсомолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Раҳима Абдуҳолиқова ВЛКСМ XVIII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бригада аъзолари ишлаб чиққан тадбирларни сўзлаб берди ва ҳаммани ана шу ташаббус юзасидан конкрет режалар тузишга чақирди. Йиғилишнинг ўзида ёшлар қатор қимматли фикрларни ўртага ташлашди. Айниқса, вақтдан унумли фойдаланиш бўйича қимматли таклифлар киритилди.

Электр билан пўлат эритиш комплекси қурилиши давом этмоқда. 16-мактабнинг собиқ ўқувчилари шаҳардаги мактабларда бўлаётган учрашувларда қатнашмоқдалар. Битирувчи синф ўқувчиларини Бекобод магнитказига чорламоқдалар. Жуда қўплаб йигит-қизлар етуклик аттестатини олиб, зарбдор қурилишда ишлашга сўз бермоқдалар.

Б. ПУЛАТОВ.
Бекобод шаҳри.

Галаба районидаги Кетмонтепа луб заводи ўтган йили юқори кўрсаткичларга эришди. Завод ишчилари бу йил тола ишлаб чиқариш планини СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилдилар. Суратда: бригадир Ғ. Ҳайдаров, бош инженер Р. Бўтаев ва мастер А. Амиров ўртоқлар тайёр толаларни кўздан кечирмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

АҲОЛИНИНГ турмуш маданияти тобора юксалиб боряпти. Тошкент райони қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда уларга яшаш учун қулай шароитлар яратиб беришда «Келесгаз» идораси коллективининг муносиб ҳиссаси бор. Улар райондаги деярли барча хонадонларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашда фидокорона ишлаяпти. Бу йил аҳолига ҳар қачонгидан ҳам кўп табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш планлаштирилган. Айни вақтда эса 17 минг 433 хонадон газчиларнинг хизматидан баҳраманд бўляпти. Шундан 5677 хонадон табиий газ билан таъминланган. 11 минг 756 хонадонга эса баллонларда суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Аҳолига табиий газ етказиб бериш учун 244.1 километр узунликда газ қувурлари ўтказилган. 1977 йилнинг ўзида 11.2 километр газ қувурлари тортилди.

«Келесгаз» ишчи ва хизматчилари фақат хонадонларни эмас, балки райондаги саноат корхоналар ва бошқа муассасаларни «зангори олов» билан таъминлашда ҳам салмоқли ишларни амалга оширишмоқда.

Идоранинг авария хизмати ходимлари айниқса яхши ишлашяпти. Ўтган йили колхозлардаги радиоузеллар орқали газдан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисида мутахассислар томонидан 42 марта лекция ва суҳбатлар эшиттирилди. «Шонли меҳнат» район газетаси саҳифаларида қатор мақолалар эълон қилинди. Келесдаги «Спутник» кинотеатрида, хўжаликларнинг клубларида газдан тўғри фойдаланишга бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Мана шу тадбирларнинг натижасида ўтган йили бирорта ҳам қўнғилсиз воқеа содир бўлгани йўқ.

Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашни яхши йўлга қўйишда слесарлар Зокир Қодиров, Ғайрат Соибназаров, Ғани Сартаевларнинг хизмати катта. Шунингдек, Зоҳид Раҳимжонов, М. Хўжамқулов каби ходимлар ва «Келесгаз» бошлиғи К. Нурмуҳамедов ўртоқларнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Т. ШАРИПОВ,
М. АБДУЛЛАЕВ.

ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҒАЗАЛКЕНТДА Ғафур Ғулом номли 22-ўрта мактабда газетхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Коммунизм учун» газетаси редакцияси коллективининг 1977 йилда амалга оширган ишлари ва бу йилги режаларн ҳақида газета редактори Ф. Нурматов доклад қилди.

Конференцияда Тошкент Давлат университетининг студенти М. Фзалова, редакция қошида ташкил қилинган ишчи-деҳқон мухбирлари мактабининг тингловчиси З. Аслтоев, 22-ўрта мактаб ўқитувчиси С. Нишонова ва бошқалар сўзга чиқиб, газета мазмуни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Сўнгра ишчи-деҳқон мухбирлари мактабини муваффақиятли тугатган бир группа ёшлар штатсиз мухбирлик гувоҳномаларини олдилар. Шу куни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган энг яхши очерк, репортаж, лавҳалар конкурси голибларига редакция таъсис этган мукофотлар топширилди.

А. БАБАНОВ.

СССР Министрлар Советининг Давлат нарх комитетида

СССР Министрлар Советининг Давлат нарх комитети айрим молларнинг чакана нархларини ва хизмат ҳақини тартибга солиш мақсадида:

қуйидаги молларнинг чакана нархларини 1978 йил 1 мартдан бошлаб камайтиради:

қора-оқ тасвирли ҳамма телевизорлар ва уларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 20 процент.

камераларининг ҳажми 180 литргача ва 180 литр бўлган рўзғор холодильникларн ўрта ҳисобда 15 процент.

капрон газламалар ўрта ҳисобда 20 процент,

капрон газламалардан тайёрланган кўйлаклар, блузкалар, сорочкалар, курткалар, пальтолар, чойшаблар ва тўқимачилик галантерея буюмлари ўрта ҳисобда 15 процент.

«белан» синтетик ипи қўшилган жун газламалар ва улардан тикилган буюмлар ўрта ҳисобда 15 процент,

сунъий мўйнадан тайёрланган пальтолар, калта пальтолар ва курткалар ўрта ҳисобда 15 процент,

«пелакс» типидаги газламалардан тикилган буюмлар ўрта ҳисобда 20 процент.

текстураланган полиэфир ипдан тайёрланган устки трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 20 процент,

синтетик ва сунъий толадан ўспиринлар учун тайёрланган (44—46 размердаги) устки трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 30 процент,

капрон, нейлон ҳамда бошқа синтетик ва сунъий ипдардан эркаклар ва болалар учун тикилган трикотаж сорочкалар ўрта ҳисобда 25 процент.

капрон ҳамда бошқа синтетик ва сунъий ипдардан аёллар ва болалар учун тайёрланган трикотаж блузкалар ўрта ҳисобда 25 процент.

синтетик ипдардан аёллар ва болалар учун тайёрланган трикотаж ич кийимлар ўрта ҳисобда 30 процент,

«супергарант» машиналаридан олинган синтетик ва сунъий ипдардан тайёрланган тўр полотно ва улардан тайёрланган буюмлар ўрта ҳисобда 25 процент.

«супергарант» ипларидан тайёрланган тўр полотно билан безатилган, тикилган ва трикотаж буюмлар ўрта ҳисобда 10 процент;

поливинилхлориддан босим остида қуйиш усулида эркаклар, аёллар, қиз ва ўғил болалар учун тайёрланган этик ва этикчалар ўрта ҳисобда 25 процент,

суюқ ва пастасимон синтетик кир ювиш воситалари ўрта ҳисобда 18 процент.

Айни вақтда айрим молларнинг чакана нархлари ва хизмат ҳақи қуйидагича оширилди:

олтиндан ва платина группасига мансуб металлардан тайёрланган заргарлик буюмлари (ясама тиш учун дисклардан ташқари) ўрта ҳисобда 60 процент,

бензин 1 литр учун 15—20 тийингача (октан миқдорини ҳисобга олиб),

гражданларга қарашли енгил автомобилларнинг ремонти ва техникавий хизмати ҳамда енгил автомобилларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 35 процент,

чет эллардан сотиб олинадиган кофе ва какао донининг ташқи савдо нархлари анча ошганлиги оқибатида 1978 йил 1 мартдан бошлаб дон ҳолидаги натураль кофе ҳар килограмминнинг чакана нархи 20 сўмгача етказилди ва шунга мувофиқ равишда кофе қўшиб тайёрланган маҳсулотларнинг нархлари ҳам оширилди, шунингдек шоколадли кондитер маҳсулотларнинг чакана нархи ўрта ҳисобда 30 процент оширилди.

Никоҳ тилла узукларн кимматлашгани муносабати билан биринчи марта никоҳ тузаётган кишиларга никоҳдан ўтиш пайтида пул билан тегишли компенсация тўланади. Транспорт воситаларини текинга ёки имтиёзли шартлар билан оладиган нивалидлар учун автомобиль бензини, енгил автомобиллар ремонти ва техникавий хизмати ҳамда уларнинг запас қисмлари нархи оширилганлиги эвазига компенсация тўлаш кўзда тутилади.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишнинг қўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавқатли меҳнатлари учун қуйидагилар СССР орден ва медаллари билан мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Айтенов Барат — Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхоз бригада бошлиғи.

Алижонова Баринисо — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозининг ишчиси.

Аликулова Лайло Ширинovна — Ўзбекистон Компартияси Янгийўл район комитетининг иккинчи секретари.

Аликулова Ҳайитгул — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Алимбердиев Али — Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг бригада бошлиғи.

Алимова Санталат — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Алметов Боймат — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг трактурчиси.

Омонтурдиев Хусан — Бекобод районидаги Навоий номли колхози сувчиси.

Андрейчиков Юрий Федорович — республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси Бош бошқармасининг бошлиғи.

Орзиқулов Қулмат — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз бригада бошлиғи.

Арифов Ибрагим — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводининг трактурчиси.

Ортиқхўжаева Зеби — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси.

Аслонов Усмон — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Ахмедов Кудрат — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи.

Ахмедов Тўлаган — Пискент районидаги Тельман номли колхоз звено бошлиғи.

Ахмедов Туроб — Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг бригада бошлиғи.

Ахмедова Алима — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозининг ишчиси.

Бабанова Изат — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Бойматова Рисҳол — Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Бойназ Турдали — Пискент районидаги Ленин номли колхоз звено бошлиғи.

Байрамов Исмоил — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли саноат-аграр бирлашмасининг бўлим бошқарувчиси.

Болтабоев Маҳмуд — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.

Баратова Танга — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

Барсукова Мария Петровна — Юқори Чирчиқ районидаги «Юқори Чирчиқ» совхозининг ишчиси.

Бекирова Ҳожар Тасимовна — Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

Белова Евдокия Федоровна — Янгийўл район матлубот жамияти тайёрлов идорасининг бухгалтери.

Беркиев Абдуқодир — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозининг пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси.

Бобоёров Турсунмурод — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Буваев Мирпўлат — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

Валиматова Руҳия — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Ғаппарова Хайри — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Ғафуров Абдумуса — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг агрономи.

Герасимов Владимир Петрович — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхозининг устахона мудири.

Давлатов Ҳаким — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз бригада бошлиғи.

Дадажонов Раҳим — Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Долимов Салим — Қуйи Чирчиқ районидаги Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги бригада бошлиғи.

Долимова Насиба — Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг ишчиси.

Девлетов Ридван — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг бригада бошлиғи.

Деҳқонбоева Каромат — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Деҳқонова Очақиз — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

Дё Павел Васильевич — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхозининг бригада бошлиғи.

Дёмин Иван Дмитриевич — Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг Юқори Чирчиқ сув тармоғи бошлиғи.

Жавриев Мурафиддин — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози партия ташкилотининг секретари.

Жумабоева Ўғилой — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг звено бошлиғи.

Жуманазарова Башар — Пискент районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Юнусалиев Акбар — Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Жўраев Исмоил — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи.

Жўраев Эркин — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз раиси.

Дудко Андрей Евстафьевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бош бошқармасининг бошлиғи.

Дўсматова Гулжаҳон — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Дўстбекова Маҳбуба — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Душабоев Шербек — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

Жалахабов Қўчқор — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

Жўрабоев Тўрабой — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз звено бошлиғи.

Жўраев Ғулом — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз тракторчиси.

Зокиров Сайдикром — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг директори.

Иброҳимова Фарида — Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Исоқов Абдолим — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

Исоқов Зиёд — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

Исмоилова Хонзода — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Исматов Жўрақул — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхозининг бош агрономи.

Исматхонов Турди Сандхонович — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг бригада бошлиғи.

Исроилова Анор — Юқори-Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси.

Эшонов Йўлдош — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз агрономи.

Қодиров Бинор Набиевич — республика «Узгипроводхоз» институти директори.

Қозоқбоев Адҳам — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз раисининг ўринбосари.

Калимулина Гайша Хасановна — Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Комилова Тўхтажон — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Ким Сергей Матвеевич — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бош инженери.

Қорабоев Русқим — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз раиси.

Қорахўжаев Ҳолмат — Калинин районидаги «Назарбек» совхози директори.

Қорибоев Ўроздек — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Қорнев Максуд Қориевич — «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори.

Каримова Баҳри — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Қосимова Санобар — Бўстонлиқ районидаги «Қизил туғ» колхозининг аъзоси.

Ким Сун Гим — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

Ким Валентин Яковлевич — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

Ким Петр Васильевич — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Климкин Владимир Васильевич — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

Қўзибоев Дониёр — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг раиси.

Кулакова Мария Николаевна — Калинин районидаги сабзавот, полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими.

Қундузова Нурн — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Қуролов Жияқул — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз тракторчиси.

Қурбоналиева Ибодат — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Қурбонова Санобар — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз бригада бошлиғи.

Қўчқорова Тиниқ — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози ишчиси.

Қўшбоева Зубайда — Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Лапкин Кузьма Иванович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Совети раисининг ўринбосари.

Ли Андрей Иванович — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози бригада бошлиғи.

Ли Ен Гу — Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Мавлонова Фотима — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз аъзоси.

Мадалиева Назирахон — Оққўрғон районидаги «Оқ қўрғон» совхозининг ишчиси.

Маднёрова Ачахон — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Мақсудов Тошпўлат — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Мамашоева Ойимхол — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг аъзоси.

Мамаюсупов Абдуғани — Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз тракторчиси.

Маннонов Абдураҳмон — Тошкент районидаги А. Абдураҳмонов номли совхоз звено бошлиғи.

Масалиева Онахон — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Матқосимова Ўрозгул — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Маҳмудова Бахригул — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг аъзоси.

Маҳсумова Мукаррам — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Машарипов Халил Абжалилович — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг тракторчиси.

Машарипова Саври — Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.

Мехриева Блюр — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз аъзоси.

Миразамов Файзи — Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Миразизова Мақсуда — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Мирзаев Сангир — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз сувчиси.

Мирзаев Турсунбой — Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг бригада бошлиғи.

Мирзаев Сифат — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхозининг ишчиси.

Миркомилов Тўлқин Миркодирович — Ўзбекистон Компартияси Бўстонлиқ район комитетининг иккинчи секретари.

Мирмаҳмудова Орзи — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

Мирсоатов Миржамил — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг раиси.

Муллаев Мунаввар — Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси.

Мўминова Мўътабар — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг ишчиси.

Мурахис Зура — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг ишчиси.

Муртазоев Исмоил — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи.

Мусаев Маноп — Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи.

Мусақулов Ҳидир — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Мусатоева Ортиқ — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Мян Хе Сук — Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхозининг аъзоси.

Набиев Нарзиқул — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз раиси.

Назирова Қоракиз — Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Насриддинов Очил — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхоз ишчиси.

Ни Владимир Николаевич — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг бош экономисти.

Неъматов Қулаҳмад — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бош инженери.

Нишонбоев Акром — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Ниёзқулов Сулаймон — Бўка районидаги Ильич номли колхоз бригада бошлиғи.

Нормирзаев Турсунбой Эрмирзаевич — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз тракторчиси.

Носирова Окки — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг ишчиси.

Нуралиев Нурмурот — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи.

Нуриддинов Садир — Калинин районидаги «Хасково» совхозининг трактурчиси.

Нурматов Темир — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи.

Нурниесова Сарқит — Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг ишчиси.

Оганесян Петрос Мовсесович — республика «Узпчеломпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

Османов Эскандер — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг бригада бошлиғи.

Ражабова Шарифа — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Разов Фозил — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

Раимбеков Жомбой — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Раимбекова Маъфират — Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Расулов Сулаймон — Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг бригада бошлиғи.

Рафиев Мамадали — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози бригада бошлиғи.

Раҳимов Дадажон — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг агрономи.

Раҳмонбердиев Тоштемир Жўраевич — Тошкент районидаги Ильич номли колхоз бригада бошлиғи.

Нуриддинов Садир — Калинин районидаги «Хасково» совхозининг трактурчиси.

Раҳмонбердиев Ҳайдарбек — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи.

(Давоми. Боши газетанинг 28 февраль сонида).

(Давоми бор).

Тошкент шаҳар 4-ҳунар-техника билим юрти ҳар йили халқ хўжалиги учун қўплаб мутахассислар етказиб бермоқда. Билим даргоҳини тугатган ёшлар алоқачи, механик ва бошқа касб мутахассиси гувоҳномасини олишмоқда. Суратда: билим юртининг алоқачилар синфида машғулот пайти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.



Иш қуролинг соз бўлса машаққатинг оз бўлур, дейди халқимиз. Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг иккинчи бўлими азаматлари мавжуд техникани аллақачон оқ кўклам экиш кампаниясига шай қилиб қўйишган. Суратларда: (чапдан) слесарь Ирисбек Ҳолбоев, (ўртада) ремонтдан чиқарилган техника, (ўнгда) слесарь Д. Сибғатуллин ва маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи Б. Жуманов ўртоқлар ремонтдан чиқарилган техникани яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

ОТАШНАФАС ПУБЛИЦИСТ

1950 йил ноябрь ойида тинчлик тарафдорларининг иккинчи умумжаҳон конгресси «Дор остида айтилган сўз» номли асари учун Юлиус Фучикни халқаро тинчлик мукофоти билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилди. Юлиус Фучик чех халқининг ажойиб фарзанди, коммунист-ёзувчи, Совет Иттифоқининг, айниқса Совет Ўзбекистонининг яқин дўсти, фашизмнинг муросасиз душмани эди. Унинг асарлари бутун дунё бўйлаб тарқалган ва эрксевар кишиларнинг қалбларидан мустаҳкам ўрин олгандир.

Фақат бизнинг мамлакатимизда унинг ўлмас асари — «Дор остида айтилган сўз» СССР халқларининг 37 тилида 66 марта бир ярим миллиондан кўпроқ нусхада нашр этилган.

Юлиус Фучик 1903 йил 23 февралида Праганинг ишчи районида токарь оиласида туғилди. Ўн беш ёшидан ишчилар намойишларида қатнаша бошлади. 1921 йилда Чехословакия Компартияси сафига киради. Шундан бошлаб умрининг охиригача Фучикнинг ҳаёти ва фаолияти Коммунистик партия иши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

Прага университетининг фалсафа факультетини тамомлаган Фучик Чехословакия Компартиясининг органи «Руде право» газетасининг редакторларидан бирига айланади. У энди коммунистик матбуотнинг актив ва жанговар намояндаси бўлиб қолади.

Юлиус Фучик 20-йилларда адабий ва сиёсий темаларда қатор мақолалари, очерклари ва мунозарали публицистик асарлари билан майдонга чиқди. Бир қатор адабий-танқидий мақолаларида у чех адабиёти ва санъати ҳақида гапириб, Ян Неруда, Иржи Волькер, Ярослав Гашек, Карел Чапек, Божена Немцова каби ёзувчилар ижодини реакцион танқидчилар ҳужумидан ҳимоя қилди. Фучикнинг сиёсий темаларда ёзган мақолаларидан чех меҳнаткашларининг намойишлари ва иш ташлашларига бағишланган «Шимолдаги жанг», социал-демократларни фош қилган «Доктор Мейсснер, бу сиз эмасми!», ишсизлик ва очлик ҳукм сураётган Чехословакияда ҳукмрон доиралар томонидан сувга ағдарилган ғалла ҳақида «Сув остида 100.000 килограмм» каби мақолалари қаҳр ва ғазабга тўлиб-тошиб ёзилган.

1930 йили Юлиус Фучик биринчи бор мамлакатимизга келди. Тўрт ойлик сафари давомида у Шимолий муз океанидан тортиб Ўрта Осиёгача бўлган масофани кезиб чиқди. Ватанига қайтиб борган Фучик СССРдан олган таассуротлари асосида «Бизнинг эртамиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда» (1931) номли очерклар китобини ёзди. Бунда чех ёзувчиси мамлакатимиз ҳаёти, унинг ажойиб кишилари, беш йиллик планларимизнинг улкан одимлари ҳақида ўз ватандошларига завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берди.

Янги дунё дарақчиси бўлган бизнинг мамлакатимиз Юлиус Фучикни ўзига бутунлай мафтун этган эди. Энди у бизнинг Ватанимиз ҳақида ўйламасдан, у ҳақда гапирмасдан, ёзмасдан тура олмас эди.

УЛКАН ҚАЛАМ СОҲИБИ ХОТИРАСИ

1934 йили Юлиус Фучик иккинчи бор СССРга келди. Энди у «Руде право» газетасининг махсус мухбири сифатида келган эди. Бу сафар чоғи Фучик узоқроқ — икки йил мамлакатимизда турди. Жуда кўп шаҳарларда, қишлоқларда, колхоз ва совхозларда, йирик қурилиш иншоотларида бўлди.

Мамлакатимиз халқлари ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришлар уни ниҳоятда қувонтирар, ютуқларимиз унда фахр ва ифтихор уйғотар эди. Айниқса, Юлиус Фучик Ўрта Осиё республикалари ҳаётига катта қизиқиш билан қаради. Уни Ўрта Осиёнинг ажойиб табиати, тоғлари, тошқин дарёлари, бепоён далалари, ям-яшил боғлари, кенг пахтазор ва буғдойзорлари ўз қучоғига чорлади. Ҳаммадан ҳам чехословакиялик меҳмонни Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткаш кишилари ҳайратга солар эди. Фучик Советлар мамлакатига, унинг меҳнатсевар халқига, жумладан Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашларига катта ҳурмат билан қаради. Бу нарса унинг биргина бизнинг республикамиз ҳақида, Ўзбекистон ҳақида ёзган қатор очеркларида ҳам намоён бўлди. Юлиус Фучик «Ўрта Осиё бўйлаб» рубрикаси остида «Руде право» газетасида қатор очеркларини нашр эттирди. «Ўрта Осиё экзотикаси», «Озод ўзбек аёли ҳақида», «Ўзбекистон революциясининг ўн саккизинчи йилида», «Биз колхозчи — миллионерлармиз», «Катта қирғиз тракти», «Нуриниса Ғуломова эшакка минди», «Тожихон Садриеванинг тақдири», «Розияхон Мирсоатова»лар шулар жумласидандир. Бу очеркларда Юлиус Фучик совет шарқининг шахдам қадамлар билан олға қараб ўсишини кўрсатди. Чех ёзувчиси бу ерда В. И. Лениннинг революция айрим халқларга феодализмдан социализм сари йўл очади, улар капиталистик босқични бошларидан кечирмай, социализмга ўтади, деган сўзларининг тасдиқланганлигини кўрди.

Чехословакиялик меҳмон Садриддин Айний юбилейида, Чирчиқ қурилишида, Самарқанд ёдгорликлари қаршисида Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишида, фабрика ва заводларда, пахтакор совхозларда бўлди. У эски дунё билан янги дунёни бир-бирига қиёслар экан, Советлар диёрида тантана қилаётган гуманистик муносабатларни таъкидлаб ўтади.

1936 йили Фучик ўз Ватанига қайтиб, Коммунистик матбуотда серқирра фаолиятини давом эттиради. 1939 йили унинг Ватани фашистлар асоратига тушгач, Фучик яширин ишга кўчади. 1941 йили Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари қамоққа олингач, Фучик янги тузилган Марказий Комитетга аъзо бўлади. Унга энг масъулиятли соҳа — матбуот ва тарғибот ишларини бошқариш топширилади. Ана шу энг оғир шароитда Юлиус Фучик чинакам ташкилотчилик, сиёсий раҳбарлик намунасини кўрсатди. У яширин босмахонада «СССР Конституцияси»сини ва ВКП(б) тарихини нашр этди. «Руде право» газетасини ва бир қанча махфий журналларнинг нашр этилишини таъминлаб турди. Бу ажойиб коммунистнинг буюк жасорати эди.

1942 йили фашистлар гестапоси Фучикни қамоққа олди. Ҳаддан ташқари қийноқ-азобларга қарамай Фучик курашни давом эттиради. У қамоқхонада ўзининг «Дор остида айтилган сўз» номли сўнгги китобини ёзади.

Фучикнинг бу китоби у босиб ўтган бутун кураш йўлларини, Чехословакия коммунистларининг кураш тарихини умумлаштирди. Юлиус Фучик ўз асарида ўша даврни характерлаб беради. Кундалик формасида ёзилган бу асар коммунист Фучикнинг қарашларини, принципларини тўла намоён этган. Китобхон кўзи ўнгида чинакамига ҳаётни севадиган, инсонларни севадиган, ана шунинг учун ҳам ўлимдан қўрқмайдиган кишининг бой ички дунёси гавдаланади. «Дор остида айтилган сўз» ўз ҳаётини халқ озодлиги ва бахти учун тиккан, буюк гуманистнинг қалб сўзларидир. Бу китобда ҳаётга, инсонларга нисбатан битмас-туганмас муҳаббат жаранглаб туради. Шунинг учун ҳам Фучик ўз китобининг сўнгги сатрларини башариятга қарата «Одамлар, мен сизларни севар эдим!.. Хушёр бўлинглар!..» деган хитоб билан тугатади.

1943 йилнинг 25 августида Берлинда фашистлар суди Фучикни ўлимга ҳукм қилди. Шу йилнинг 8 сентябрида уни Берлин қамоқхонасида жазолаб ўлдирдилар. Юлиус Фучик ҳақиқий инсон, коммунист сифатида яшади, худди шундай ҳалок бўлди.

Аммо, кишиларнинг бахти учун, порлоқ келажак учун курашган одам асло ўлмайди. Юлиус Фучикнинг номи чинакам жасорат намунаси бўлиб қолди. Шахталар, заводлар, кўчалар, ва пионер отрядларига Фучикнинг номи берилган, Помир тоғларидаги чўққилардан бири Юлиус Фучик номи билан аталади. Довюрак альпинистларимиз бу чўққига Фучикнинг «Одамлар, мен сизларни севар эдим! Хушёр бўлинглар!..» деган сўзларини ёзиб қўйганлар.

Чехословак халқининг ажойиб фарзанди Юлиус Фучик бутун дунёдаги соф ниятли кишилар қалбидан мустаҳкам жой олган. Унинг асарлари тинчликсевар халқларнинг сафларида туриб империализм ва фашизмнинг жирканч ниятларини фош қилмоқда. Фучикнинг «Дор остида айтилган сўз» китоби уруш оловини ёқувчиларга нисбатан кескин айбнома бўлиб жарангламоқда. Шу маънода Юлиус Фучик бизнинг замондошимиздир.

Қ. АЗИЗОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.

СПОРТ

УМИДЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

Ўсмирлар ўртасида VIII халқаро турнирнинг иккинчи кунида мамлакатимиз биринчи терма командаси яна йирик ҳисобда ғалабага эришди. Бу сафар улар Эрон футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шундай қилиб икки ўйинда 4 очко тўплаб, рақиблар дарвозасига 9 та тўп киритган ва ўз дарвозасидан биронта ҳам тўп ўтказиб юбормаган СССР-1 командаси ягона пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси польшалик тенгдошлари билан бўлган учрашувда 1:0 ҳисобида ғолиб келишди. СССР-2 командаси ГДР футболчиларини 3:1, Украина командаси эса Венгрия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Кеча футболчилар дам олишди. Бугун учинчи тур ўйинлари бўлади.

БЕШ ЎЙИНДА БЕШ ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари ўтган куни группа пешқадамларидан бири — Олмаотанинг «Дорожник» коллективи билан учрашди. Олмаотада бўлган биринчи турда ҳамшаҳарларимиз кескин курашда майдон эгаларига 2.3 ҳисобида ютқазиб қўйишган эди. Бу сафар эса 3:0 ҳисобида ғолиб келиб, мағлубият аламини олишди. Шундай қилиб, 15 очко тўплаган тошкентликлар келаси йил олий лигада қатнашишга даъвогарлик қилаётган командалар сафидан жой олиб туришибди. Кеча Тошкент турнирига якун ясалди. Ҳамшаҳарларимиз сўнгги учрашувни Грознийнинг «Автомобилист» командаси билан ўтказдилар.

БОКСЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Тбилиси шаҳрида бокс бўйича мамлакат 44-чемпионати давом этяпти. Медаллар учун рингга чиққан боксчилар орасида республикамизнинг 10 вакили ҳам бор. Икки кунги беллашувлардан сўнг беш боксчимиз Димитрий Грубов, Феликс Пак, Владимир Шин, Олимпия Зокиров ҳамда Ринат Хайрутдиновлар ғолиб келишиб, навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Дунё овози
чет эл хабарлари

СССР БИЛАН ДЎСТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ ГАРОВИ

БАЙРУТ. 27 февраль. (ТАСС). Фаластин демократик озодлик фронти вужудга келтирилган куннинг 9 йиллиги муносабати билан шу фронтнинг бош секретари Н. Хаватма бу ерда ўтказилган оммавий митингда бундай деди: ҳозирги пайтда Яқин Шарқда вужудга келган вазият Фаластин қаршилик ҳаракати учунгина эмас, бутун араб миллий озодлик ҳаракати учун ҳам катта хавф туғдиради.

Америка империалистлари ва Тель-Авив экспансиячилари ўз манфаатларини кўзлаётган Миср президенти Садатдан ва реакцион араб режимларидан фойдаланиб, можарони бартараф қилишнинг таслимчилик режаларини араб давлатларига мажбуран қабул қилдириш, Яқин Шарқни Америка-сионист монополияларининг мустамлакасига айлантириш учун интилмоқдалар.

Фаластин революциясига қарши фитна, деб таъкидлади Н. Хаватма, Ливанда ўзининг конкрет ифодасини топмоқда. АҚШ, Исроил ва араб реакцияси Ливанда Фаластин қаршилик ҳаракатини йўқ қилиб юбориш, Фаластин-Сурия алоқаларини заифлаштириш ва Садатнинг таслимчилик сиёсатига қарши чиқаётган тараққийпарвар араб давлатлари билан Фаластин озодлик ҳаракати фронтига путур етказиш учун интилмоқдалар.

Бундай шароитда, деб уқтириб ўтди Фаластин демократик озодлик фронтининг раҳбари, фаластинлик араб халқи Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстликни мустаҳкамлаб бориши зарур. Бу мамлакатлар Яқин Шарқ танглигини кенг кўламда ва адолатли равишда бартараф қилиш учун изчил кураш олиб бормоқдалар. Барча Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш ва фаластинлик араб халқининг даҳлсиз миллий ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини амалга ошириш — бу тангликни бартараф қилиш учун асос бўлиши керак.

ДАВЛАТНИ КИМ ТАЛАЯПТИ

РИМ, 27 февраль. (ТАСС). Бу ерда куни кеча эълон қилинган маълумотларга қараганда, ўтган йили давлат хазинасига 3.000 миллиард лирадан зиёд маблағ кам тушган. Бу хабар маҳаллий обзорчиларни ҳайратда қолдирмади, чунки солиқ тўлашдан бош тортиш гражданларнинг муайян табақаси учун оддий иш бўлиб қолган.

Молия қонунини бузувчилар орасида ишчилар билан хизматчилар йўқ, албатта. Улар солиқни мунтазам равишда ўз иш ҳақидан тўлаб турадилар. Муттаҳамларнинг асосий оммаси корхона эгалари, банкирлар, катта даромад олаётган маслаҳатчи-врачлар, адвокатлар, артистлар каби «эркин касб» эгалари бўлган юқори табақа намояндаларидир.

Италиядаги жуда катта бойлар ўзларининг даромадлари тўғрисида солиқ маҳкамасига маълумот берганларида сеҳргарга ўхшаб бирпасда «камбағал»га айланиб қоладилар. Масалан, Италияда энг катта ер эгаларидан бири князь Алессандро Торлонна бундан бир неча йил муқаддам ўзининг йиллик даромадини шу қадар кам қилиб кўрсатдики, бу даромад майда хизматчи ёки кичкина дўконда мол сотувчи бўлиб ишлаган кишининг даромадидан кўра ҳам оз эди. 1973 йилда 350 миллион лира даромад олган катта бинокорлик фирмасининг бошлиғи А. Маркини бундан икки йил муқаддам фақат 28 миллион лира даромади ҳисобидан солиқ тўлади.

Яқинда Рим муниципалитети «оқ китоб» чиқарди. Шу китобда солиқ тўлашдан атайлаб бош тортган шахсларнинг номлари ёзилган. Ҳақиқатда бу китоб Италия пойтахтидаги энг бой кишиларнинг рўйхатидан иборат бўлиб қолди.

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

ҚОБУЛ. 27 февраль. (ТАСС). Афғонистонда саводсизликка қарши кураш кенг кампанияси амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда ана шу проблемани ҳал қилмоқ учун мамлакатда 2500 дан кўпроқ махсус курс ташкил қилинган. Бу курсларнинг тингловчилари ўқиш ва ёзишни ўрганмоқдалар. Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларида ишлаб турган бундай курсларни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш 7 йиллик плани бажарилгунга қадар афғонлардан 80 мингдан кўпроқ киши битириб чиқади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕЛГРАД. Югославиянинг социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Ихтисослаштириш ва кооперациялаш негизида ҳамкорлик қилиш тобора кенг тус олмоқда. Бу соҳадаги ҳамкорлик кемасозлик, станоклар, йўл қурилиши машиналари, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш каби соҳаларни ўз ичига олмоқда. Йирик объектларни қуришни биргаликда пул билан таъминлаш катта самара бермоқда. Кўп томонлама асосда қурилаётган Трансюгославия нефть қувури ана шундай объектлар жумласидандир. Бу нефть қувури Адриатика денгизи соҳилидан Венгрия билан Чехословакия чегарасигача чўзилиб кетади.

ЛОНДОН. Англия меҳнаткашлари «Морнинг стар» газетасининг байрамини тантанали равишда нишонлади. Бу йил бу байрам ирқчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш шиори остида уюштирилди. Англия пойтахтидаги энг йирик залларнинг бирида бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан нотиқлар, шу жумладан Буюк Британия Компартиясининг Бош секретари Г. Макленнан Британия оролларида ирқчиликнинг авж олдирилганлигини жиддий таҳдид солаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

БАҒДОД. Ироқнинг давлат бюджетида бу йил мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 500 миллион динар сарфлаш кўзда тутилади. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий илмий методларини жорий этиш, машина-механизмларни кўпайтириш, химиявий ўғитлардан кенг фойдаланиш, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун мўлжаллангандир.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия давлат миллий импорт ва экспорт савдоси корпорациясининг бошқарувчиси Тесфайе Асфау Эфиопиянинг социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигини айтди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-сотиқ қилиш, деб таъкидлади у, Эфиопияга ўз маҳсулотини сотиш учун ишончли бозорларни таъминлаб беради.

(ТАСС, 27 февраль).

АВСТРИЯ Совет Иттифоқининг Европадаги йирик савдо партнёрларидан биридир. Ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бормоқда. Суратда: Австриянинг «Лейкам-Мюрпталлер» қоғоз-целлюлоза фабрикасида целлюлозани оқартирадиган ана шу совет ускунаси монтаж қилинган.

ТАСС фотохроникаси.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

«ХАСКОВО» совхози ишчиларининг кўпчилиги иқтисодий ўқув машғулотларига жалб этилган. Машғулотларда улар хўжалик юритишни, тежамкорлик омилларини ўрганмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган машғулотларнинг бирида парник агрономи С. Мақсудов сўзга чиқди. У машғулотларда олаётган билимлари ишда қандай ёрдам бераётганлигини гапириб берди.

— Ўтган йили парникдаги кўчатлар секцияларидан самарали фойдаланиб, 5 миллион тупга яқин ниҳол тайёрладик, — деди у. — Илғор тажрибаларга амал қилинганлиги туфайли харажатлар камайиб, фойда миқдори ошди. Ҳар минг туп кўчат учун илгарилари 10,5 сўм сарфланган бўлса, энди бу кўрсаткич 10 сўм атрофида бўляпти.

Иқтисодий ўқув машғулотларида назарий темалар совхоз ишлаб чиқаришини билан боғлаб олиб борилаётганлиги учун ҳам таъсирли бўляпти. Тингловчилар ҳар бир мавзуни қизиқиш билан ўрганмоқдалар, ўз тажрибаларини ҳамкасбларига сўзлаб бермоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган яна бир машғулотга халқ селекционери, агроном Ўринбой Каримшоев таклиф этилди. Ўринбой ака эртапишар полиз экинлари яратиш устида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қиляпти. У 40 кунда пишадиган қовун навини яратиб, кўпчиликни қойил қолдирди. Ўринбой ака тингловчиларга ўз тажрибаларидан қизиқарли лавҳалар сўзлаб берди.

Назарий ва амалий билимлар бирлиги ишлаб чиқаришга самарали таъсир ўтказяпти. Сабзавот ва картошка тайёрлаш бўйича зиммага олинган мажбуриятлар йил сайин ортиғи билан адо этиб келиняпти. Шу боисдан ҳам совхоз партия ташкилоти ишчилар билими ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ўқувнинг у ёки бу формаларига жалб этилган.

М. МУРОДОВ.

МЕВА ДАРАХТЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА ШАКЛ БЕРАЙЛИК

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Мева дарахтларидан мўл ҳосил олиш учун ҳар йили ортиқча шох ва новдаларини кесиб, узун новдаларининг бўйи қисқартириб турилади. Бу иш кўчат ўтқазилгандан бошлаб, умрининг охиригача давом эттирилади. Қариган дарахтларни кесиш йўли билан уларнинг яшаш муддати ва ҳосил бериш даври узайтирилади, ҳосилнинг сифати яхшиланади.

Агар мева дарахтлари ҳар йили кесиб турилмаса, улар тартибсиз ўсади, шохлари йўғонлашмайди. Натижада шох ҳосилга кирган даврда озгина меванинг оғирлиги билан синиб кетади.

Бундан ташқари, кесилмаган дарахтларнинг шохлари қалинлашиб қуёш, шамол ва ҳаводан яхши фойдаланмайди, касаллик пайдо бўлади, ҳашоротлар кўпайиб кетади. Мева ҳосили камаяди ва дарахтлар тезда қурийди.

Мунтазам равишда кесиб шакл бериб борилган дарахтлар тартибли ўсади. Уларнинг кўп йиллар яшаши ва узоқ муддатгача ҳосил бериб бориши таъминланади.

Дарахтлар ёши, нави ва турига қараб буталади. Ёш дарахтларни ҳосилга киргунча кесиш, маълум шаклга солиш, бақувват шохларга эга қилиш ҳосилга киришини тезлаштиради. Бундай дарахтларни кесишда даставвал зич, чалкаш навда ва шохлар тагидан олиб ташланади. 40—50 сантиметрдан узун ҳамма бир йиллик новдаларнинг бўйи 30—70 процентгача қисқартирилади. Новданинг ташқи томонга қараган куртагининг устидан 0,5 сантиметр узоқликдан, куртакка 45 градус қия қилиб кесилади. Шунда янги новда ташқи томонига қараб ўсади. Агар улар дарахтнинг ички томонига ўсса, унинг шох-шаббалари қалинлашиб кетади. Бу эса мақсадга мувофиқ эмас, албатта.

Ренет Симеренкога ўхшаш атрофга тарвақайлаб шохлайдиган нав олма дарахтларини кесганда шох-шаббасининг зичлигига қараб, янги ўсадиган навдаларни баъзан ички томонга ўсадиган қилиб ҳам кесиш мумкин. Новдаларнинг бўйини қанча қисқартириш унинг ўсаётган жойига ва дарахтнинг қайси жойига шох-шабба билан тўлдириш лозимлигига боғлиқ. Бундан ташқари, баъзи новдаларнинг кўп қисми кесилиб калта қилиб қолдирилади. Булар бир-икки йил ичида ўзларидан ҳосил берувчи новда чиқарадилар.

Дарахтларни кесиш пайтида узунлиги 25—30 сантиметргача бўлган ингичка ва ундан калта навдалар кесилмайди. Булар тезда ҳосил куртаги чиқариб, мева берадилар. Айниқса, дарахтнинг йўғон она шохларидан чиққан шундай кичик шохча ва навдаларни кесмаслик керак.

Дарахтнинг шох-шаббалари сийраклаштирилади. Бу билан унинг қуёш, шамол ва ҳаводан фойдаланиши ва баргларининг «нафас» олиши яхшиланади. Олимларнинг текширишига қараганда сояда қолган барг 79—80 процент иш қобилиятини йўқотади. Бошқача қилиб айтганда баргнинг органик моддалар ясаш ҳамда бошқа фаолиятлари шунча миқдорда камаяди. Сояда қолган барг ҳатто ўзини-ўзи озуқа моддалари билан таъминлай олмайди ва у бошқа барглар ҳисобига яшайди. Шунинг учун ҳам дарахтларни кесишда аввал қалинлашган шох ва навдаларининг бир қисми тагидан олинади. Сўнгра дарахтдаги синган, касалланган ва зарарланган шох ва навдалар олиб ташланади. Дарахтдаги шохларнинг кўп, озлигига қараб бундай шохлар тагидан ёки зарарланган жойидан юқори қисми олиб ташланиши мумкин. Бир йилги кучли ўсган навдаларнинг ҳаммасининг 30—50 процент узунлигини қисқартирилади. Бундан ташқари, ҳосил бераётган мева дарахтларининг қариган ҳосил шохчалари кўпайиб кетган бўлса, уларнинг 20—25 процентини арралаб олинади. Қолганларининг эса ярми ёки учдан бири қисми кесиб қисқартирилади. Бундай «яшартирилган» ҳосил шохларининг қолган қисми яна бир неча йил мўл ҳосил беради.

Қариб ҳосил беришдан ва ўсишдан қолаётган ва айрим йўғон она шохлари қурий бошлаган мева дарахтлар калакланиб «ёшартирилади». Бундай дарахтнинг она шохлари соғ жойидан юқориси кесиб ташланади. Шу ёшнинг ўзида уларнинг қолган қисмидан сурх навдалар ўсиб чиқади. Натижада икки-уч йил ичида дарахтнинг устки қисми тикланади. Яна беш—ўн йил ҳосил берадилар.

Дарахтлар юқори агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиниши керак. Кўплаб гўнг, минерал ўғитлар ва сув билан таъминлаб туриш талаб қилинади. Дарахтларнинг ҳаммаси бир йилда калакланмайди. Бу иш икки-уч йил давом этади. Шунинг учун дарахтлари қаторлараро навбат билан кесилади. Олдин тоқ қаторлар, икки йилдан сўнг жуфт қатордаги дарахтлар кесилади.

Дарахтларнинг шохларини кесишда уларнинг пўстлоғини шилиб ёки ёриб юборишга йўл қўйиш ярамайди. Кесилган шохларнинг ўрни чиримаслиги учун кесик юзига боғ малҳами (боғ замаскаси) ёки бўёқ суртиб қўйилади.

Қирқилган шохларни дарҳол боғдан олиб чиқиб ташлаш ва касалланган шох ва навдаларни ёқиб юбориш лозим.

Мева дарахтларини кесишда фақат ўткир арра, ток қайчи, (секатор) ва боғ пичоғи ишлатилиши керак. Дарахтларни болта, теша, чопқи каби асбоблар билан кесиш мумкин эмас. Чунки бу асбоблар дарахтнинг пўстлоғини шилиб, шохларни ёради.

Шуни алоҳида уқтириш керакки, кесиб ташланадиган шох ва навдалар ўсиб чиққан жойидан тақаб қирқилади. Навда чала кесилса яна кўплаб кераксиз навдалар ўсиб чиқади. Бу эса ортиқча сарф-харажатни кўпайтиради. Шундай экан кесиш ишларини аниқ тартиб билан бажариш зарур.

Олма, нок, беҳи, олхўри, ўрик, олча, бодом каби мевалар юқорида баён этилган усулда кесилади. Шафтолининг умри қисқа бўлганлиги учун уни синган, зарарланган ва зич шох ҳамда навдаларидан тозалаш, тагидан чиққан бачки навдаларини кесиш кифоя. Лекин қариган шафтолиларни ёшартириш — каллаклаш яхши натижа беради.

Юқорида кўрсатилган тартибда ва ўз вақтида кесилган дарахтлар йил сайин мўл ҳосил берадилар.

Хабир АМИНОВ,
Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бўстонлиқ тоғ филиалининг бўлим мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

Госстрах

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

НИКОҲ—ШОДИЁНА СТРАХОВАНИЕСИ

1977 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ НИКОҲ — ШОДИЁНА СТРАХОВАНИЕСИ ТУЗИЛМОҚДА

Страхованиенинг бу янги тури тўй шодиёналарига сарфланадиган маблағни жамғаришга имконият яратиб беради.

Икки ёшдан 15 ёшгача бўлган страхование шартномаларини боланинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари тузишлари мумкин.

Бу жамғармалардан уй хўжалик буюмлари, кооператив квартира сотиб олиш ёки келин-куёвнинг саёҳатида фойдаланиш мумкин.

Страхование қилинган болалар 25 ёшгача никоҳланмаса, страхование суммасига 14 процент қўшиб берилади.

Страхование муддати страхование шартномаси тузилган кундаги боланинг ёшига боғлиқ, ҳар ойлик страхование взнослари эса страхование муддати, страхование суммаси ва страхование қилдирувчининг ёшига боғлиқ.

Страхование суммасининг миқдори страхование тузаётган шахс билан страхование органлари ўзаро келишилган миқдорда (камида 300 сўмгача) страхование шартномаси тузилиши мумкин.

Болаларнинг соғлиғи ёмонлашса ёки шартнома қоидаларида кўрсатилган ҳодисалар натижасида бола касалманд бўлиб қолса, у ҳолда бу бола страхование қилинган ҳисобланади.

Страхование суммаси шартнома муддати тугагандан сўнг, взносларнинг ҳаммаси тўлиқ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар (бола ҳалок бўлганда ҳам) қайтариб берилади.

Никоҳ-шодиёна страхованиесини 20 ёшдан 67 ёшгача бўлганлар (оталар, оналар, буви, бобо, хола, амаки, катта акалари ва опалари) тузишлари мумкин.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Оилада кичкинтойлар бўлса, қувончлидир. Уларга ғамхўрлик қилиш ҳам ёқимли, ҳам сермашаққатлидир.

Госстрах ота-оналарнинг ўз болаларига ғамхўрлик қилишларидаги ишларнинг бир қисмини ўз устига олади.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ — БОЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА ҒАМХУРЛИКДИР.

Болаларни страхование қилишдан мақсад — болаларнинг ота-оналарига озгина ойлик взноси билан уларга маълум бир жамғарма яратишдир.

Бу жамғарма страхование муддати тугагач, йигитга ёки қизга тўланади. Болалар страхованиеси шартномаларини қанчалик тез тузсангиз, ойлик взнос ҳажми кам бўлади. Страхование шартномасини тузиб тўплаган жамғармангиз фарзандингиз мустақил ҳаётга қадам қўяётганда жуда лозим бўлиб қолади.

Страхование шартномаларини 300, 500 ёки 1000 сўмга тузиш мумкин.

Страхование муддати ариза берилган кундаги боланинг ёши билан — 18 ёш ўртасидаги тафовут билан белгиланади. Масалан, бола 8 ёшдан катта бўлмаса шартномани қисқартирилган муддатга — 10 йилга тузиш мумкин. Ҳар ойлик страхование взноси боланинг ёши ва страхование суммасига боғлиқ.

Страхование шартномаларини фақат ота-оналаргина эмас, балки боланинг бошқа қариндошлари ҳам тузишлари мумкин.

Госстрах органлари страхование муддати тамом бўлгандан сўнг шартномада кўрсатилган страхование суммасини ёки страхование қилинган боланинг бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиги қаттиқ зарарланганда, энцефалит ёки полиомиелит билан касалланганда, бундан ташқари шартномада кўрсатилган маълум ҳодисалар рўй берганда страхование қилдирувчига 200 сўм нафақа берилади ва ҳамма тўланган взнослар қайтариб берилади.

Страхование взнослари маошдан ушлаб қолиш йўли билан ва страхование агенти ёки Госстрах инспекцияси томонидан берилган махсус ҳисоб-китоб дафтарчаси бўйича омонат кассасига тўланиши мумкин.

АГАР СИЗ ШАРТНОМА ТУЗГАН БЎЛСАНГИЗ...

Сиз ўз уйингизни замонавий мебеллар билан жиҳозлашга, севган китобларингизни, гиламлар, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, зарур уй-рўзғор предметлари сотиб олишга жуда кўп меҳнат ва вақт сарфлагансиз. Афсуски, ҳали кўпчилик қандайдир тасодиф ҳодиса — ёнғин, иситиш системасидаги авариялар мол-мулкка зиён етказиши мумкинлигини эътиборга олмайди.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕДАН УТКАЗИШ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР.

Госстрах белгиланган шартномага кўра етказилган зарарни қоплаш учун страхование суммаси миқёсида пул тўлайди.

Уй жиҳозларини исталган нархда страхование қилиш мумкин, аммо у буюмнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим. Шартнома 2 ойдан 11 ойгача ва бир йилдан 5 йилгача муддатга тузилади.

Тўловлар бир йилга страхование қийматининг ҳар 100 сўмига 10 тийиндан 60 тийингача ҳажмда тўлаб борилади. Бунда яшаш жойи ва мол-мулки сақланадиган бинонинг ёнғинга чидамлилиги ҳисобга олинади.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга страхование қилинган тақдирда тўлов қийматининг 10 проценти ҳажмида скидка берилади. Шартномани яшаш жойи ёки иш жойидаги Госстрах инспекцияси ва страхование агентликларида тузиш мумкин.

Агарда сиз шартнома тузган бўлсангиз, уни ўз вақтида янги муддатга узайтиришни унутманг!

ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИ

Шахсий страхованиенинг ватанимизда энг кўп тарқалган турларидан бири ҳаётнинг аралаш страхованиесидир.

Ҳаётнинг аралаш страхование шартномалари 16 ёшдан 65 ёшгача бўлган СССР граждалари билан 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 70 дан ошмаслиги керак.

СТРАХОВАНИЕ ГУВОҲНОМАСИДА КУРСАТИЛГАН СТРАХОВАНИЕ СУММАСИ ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ТЎЛАНАДИ:

страхование муддати тугаганда;

лат ейиш, ярадор бўлиш, куйиш, совуқ уриши, суяк синиши, заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ёки сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши, ҳамда баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўла йўқотганда;

вафот этганда.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлиб, страхование қилдирувчи умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тўланиши лозим бўлган страхование суммаси икки баравар кўпаяди.

Бу страхование шартномаси бўйича страхование қилдирувчи ёки у ишонган кишига келишган сумма страхование ҳодисаси рўй бериши билан унга тўланади. Давлат социал таъминоти бўйича унга тўланадиган сумма ва зарарни қоплаш тартиби билан тўланадиган сумма бундан истиснодир.

Страхование шартномаси биринчи взнос тўлангандан сўнг кучга киради.

Бир ойлик страхование взноси миқдори страхование суммасига, страхование муддатига ва страхование қилдирувчининг ёшига боғлиқдир.

БУ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Сиз автомобиль, мотоцикл, мотороллер ёки мопед сотиб олдингиз. Дам олиш кунлари сиз оилангиз билан шаҳар чеккасида дам олишингиз, қариндош-уруғларингиз ёки дўстларингизникига меҳмонга боришингиз, ниҳоят жонажон ўлка бўйлаб отпускада машинада сайрга чиқишингиз мумкин. Аммо кўча ва йўлларда транспорт қатнови кундан-кунга тиғизлашмоқда тезлиқ ортмоқда.

Транспорт воситалари ҳақида кўнгил тўқ бўлиши учун уни страхование қилишни тавсия этамиз.

Транспорт ўғирланганда ёки олиб қочилганда, авария, ёнғин, портлаш, яшин тушиши ва бошқа фалокатлар натижасида автомобиль ишдан чиқса ёки зарарланса, етказилган зарарни Госстрах қоплайди.

Бунинг учун сиз олдиндан страхование шартномаси тузиб қўйишингиз шарт.

Бундай шартномани икки ойдан бир йилгача муддатга тузиш мумкин. Транспорт воситасини ундан қанчалик фойдаланилганлигига қараб ўз қиймати даражасида страхование қилиш мумкин. Страхование тўлови страхование суммасининг миқдорига боғлиқ. Страхование баҳоси қанчалик кўп бўлса, айни вақтда ундан ундириладиган тўлов шунчалик кам бўлади. Мисол учун, автомобиль 500 сўмга страхование қилинган тақдирда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 3 процентини ташкил этади. 3 минг сўмга страхование қилинганда эса — 1,5 процентни ташкил этади. Мотоциклни 200 сўмга страхование қилинганда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 2 процентини, 800 сўмга страхование қилинганда эса, бор-йўғи — 1 процентни ташкил этади.

Транспорт воситасини страхование қилдирган шахсларга, агар улар икки йил сурункасига аварияга йўл қўймаган бўлса, янги шартнома тузиш вақтида ундириб олинадиган тўлов суммасининг 10 проценти ҳажмида скидка берилади, 3 йил ва ундан ортиқ муддатга эса — 15 процент.

ИМОРАТЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Агар Сиз шахсий уйга, дачага ёки гаражга эга бўлсангиз албатта иморатлар страхованиеси шартномаларини тузинг.

Ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, қулаш, силжиш, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учрашидан қурилишлар нобуд бўлса ёки яроқсиз ҳолга келса, страхование шартномасига мувофиқ Давлат страхование органлари давлат чакана савдо баҳосига биноан етказилган зарарни тўлайди.

Иморатлар страхованиеси шартномалари бир йилга тузилади.

Страхование тўловлари ҳар 100 сўм страхование суммаси учун бир йилга 50 тийиндан 1 сўм 20 тийингача.

Страхование тўловларини иш жойингиздаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки страхование агентига нақд пул билан тўлашингиз мумкин.

Страхование муддатингиз тугаётган бўлса, янги муддатга яна шартнома тузишни унутманг.

Страхование шартлари ва шартномалар тузиш қоидалари билан Госстрах инспекцияларида ёки Госстрах агенти орқали танишиш мумкин.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАЙДИ...

Уй ҳайвонларини страхование қилиш икки формада — мажбурий ва ихтиёрий формада амалга оширилади.

Ҳайвонларни харид баҳоси қийматининг 40 проценти ҳажмида страхование қилиш мажбурий страхование демакдир. Ихтиёрий страхование шартномаси тузиш билан страхование баҳосини икки баравар ошириш ҳам мумкин.

Ихтиёрий страхование бўйича эса кўрилган зарар чорва моллари масалан, ёнғин, портлаш, яшин уриш, электр токи таъсири, офтоб ёки иссиқ уриш, зилзила, тошқин, ўпирилиш, бўрон, қаттиқ шамол, дўл, йиртқич ҳайвонларнинг ҳужуми, заҳарли ўсимликлардан тасодифан заҳарланиш, илон ёки заҳарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, қачонки ҳайвонлар чўкса, транспорт босиб кетса, дарага қулаб тушса ёки бошқа жароҳатлардан нобуд бўлса, шунингдек, мутахассис ветеринар кўрсатмасига биноан мажбурий сўйилган тақдирдагина тўланади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУЗИНГ ВА ИЛГАРИГИЛАРИНИ ЯНГИ МУДДАТГА ТИКЛАНГ!

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ

БАХТСИЗ ҲОДИСА НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАН ҲАР БИР КИШИ СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗГАН БЎЛСА, ГОССТРАХ ОРГАНЛАРИДАН МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛАДИ.

Давлат страхование органлари 16 дан 70 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, студентлар ва уй бекалари билан бир йилдан беш йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномалари тузади.

СТРАХОВАНИЕ СУММАСИ ЁКИ УНИНГ ТЕГИШЛИ ҚИСМИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРУВЧИ ҚУЙИДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР НАТИЖАСИДА УМУМИЙ МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ТЎЛА ЁКИ ҚИСМАН ЙЎҚОТГАНДА ТЎЛАНАДИ:

Жароҳатланганда (лат ейиш, ярадор бўлиш, суяк синиши, куйиш, совуқ уриши, электр токидан ва йиқилишдан шикастланиш);

заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан тасодифан қаттиқ оғриб қолганда;

баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриганда, шартномада кўрсатилган шундай ва шунга ўхшаш сабаблардан ҳалок бўлганда.

Страхование взноси ҳажми страхование қилдирувчининг касбига ва страхование суммасига боғлиқ бўлиб, хизматчилар, ўқувчилар ва уй бекалари учун — бир йилга ҳар юз сўмдан 25 тийин, колхозчилар ва бошқа кўп касбдаги ишчилар учун — 50 тийин, шофёрлар учун — 80 тийин, химия ва тоғ-кон саноати ишчилари учун 1 сўм 20 тийин.

Агар юқорида кўрсатилган бахтсиз ҳодисалар страхование қилдирувчининг умумий меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келмаса-ю, лекин узоқ вақт даволанишга тўғри келса, унга страхование ёрдами кўрсатилиши мумкин.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга шартнома тузилганда 5 процентдан 15 процентгача ҳажмда взносдан скидка қилинади.

Страхование взносини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки нақд пул билан бевосита Госстрах агентига тўлаш мумкин.

ГОССТРАХ МУАССАСАЛАРИНИНГ АДРЕСИ ВА ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ:

ТОШКЕНТ шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 33-54-73; 33-59-85;

ТОШКЕНТ областида — Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси, 53-уй, Телефонлар: 78-41-67, 78-22-23, 78-17-67;

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ — Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 4-подъезд, 2 ва 3-қаватлар. Телефонлар: 33-81-59, 33-40-85.

ТЎЛОВЛАРНИ ИШ ЖОЙИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯЛАР ОРҚАЛИ МАОШДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЁКИ СТРАХОВАНИЕ АГЕНТИГА НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАШ МУМКИН.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ГОССТРАХ АГЕНТИНИ ЧАҚИРГАН ҲОЛДА ЯШАШ ЖОЙИДА ЁКИ ИШ ЖОЙИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИНГИЗ ВА ЎЗ ВАҚТИДА УЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГИЗ. БУ — СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894

Р. 03234. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2354.